# ВАТАН



*Бу дунёда жаннатмонанд ерлар бисёр,*
*Бу дунёда оқу қаро эллар бисёр.*
*Аммо йўқдир бу дунёда сендек диёр,*
*Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.*

*Тупроғингда аждодларим изи қолган,*
*Боболарим терларининг тузи қолган.*
*Ҳар гардида момоларим кўзи қолган,*
*Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.*

*Ўзбек элим, нури дийдам, қароғимсан,*
*Ўзбек элим, осмониму тупроғимсан,*
*Ҳам қувончим, ҳам бахтиму фироғимсан,*
*Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.*

*Бешигингда аллаладинг дунёларни,*
*Дунё очган неча-неча даҳоларни.*
*Болам дединг юраклари адоларни,*
*Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.*

*Соҳибқирон қўлларида қалқон бўлдинг,*
*Улуғбекнинг назарида осмон бўлдинг.*
*Мирзо Бобур юрагида армон бўлдинг,*
*Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.*

*Қўли қадоқ деҳқон эдим, султон элим,*
*Кўкси юртга балогардон, қалқон элим.*
*Ўз юртига соҳибқирон ҳоқон элим,*
*Жоним ичра жонимдурсан, Ўзбекистон.*

**Хуршид ДАВРОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**



*Хивалик Ҳайитмат Боғибеков ўз санъатига ўзи ошуфта.*

# ҚИЛҚАЛАМ УЧИДАГИ ҲАЙРАТ

*Шарқ миниатюраси санъатининг фидойиси Баҳодир БОБОНАЗАРОВ ижодига чизгилар*

*У Тошкент деганлари катта имкониятлар дарвозаси, иқтидорлар ўзлигини, неларга қодирлигини намойиш қиладиган жой эканлигини яхши биларди. Зеро, қилқалам ила кун кўрадиган, рўзғор тебратадиган, янада лўндароқ айтгудек бўлсак, ўзлигию қалбини кўз-кўз қилувчи инсон учун пойтахтда кўргазмалар ташкил этиш, ҳамкасбларидан ижод сирларини ўрганиш, асарларига сайқал бериш нисбатан осон эди.*

*1998 йилга келиб у Тошкентда аллақачон ҳассос мусаввир, миниатюра жанрининг беназир соҳиби бўлиб танилди. Айнан ўша йили уни ўзи туғилиб ўсган Сирдарё вилоятига ишга таклиф қилишди. Ушбу таклиф асли мирзачўллик бўлган бу йигитнинг қалбида ўз вилоятида ишлаш, ёшларга мураккаб санъат сирларини ўргатиш истагини кучайтирди.*

*Шундай қилиб, Сирдарёга қайтди...*

Ваъдалар бир-биридан гўзал, бир-биридан умидбахш эди. «Алоҳида уй-жой берамиз: Устахона учун бино қурамиз. Кўргазмалар ташкил этишингиз учун ҳомийлик қиламиз...»

У очган студияга нафақат Гулистондан, балки олис-олис қишлоқлардан ҳам мусаввирликка меҳри тушган йигит-қизлар қатнай бошладилар. Уларнинг баъзилари ижарада яшашар, баъзилари 40-50 чақиримдан келиб кетишарди.

Шаҳар раҳбарларига учрашиб, узоқдан қатнаб ишлаш қийинлигини, ёш болалар учун кенг, ёруғ устахона зарурлигини айтиб илтимос қилганида унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатиб юборишарди: «Яна бир оз сабр қилинг, республика рассомлар уюшмаси аъзоси эканлигингизни ҳам, ноёб ҳунар соҳиби эканлигингизни ҳам яхши биламиз. Сабр қилсангиз, ҳаммаси жойида бўлади...»

Айнан ўша йиллари шаҳарда қуриб битказилган ўнлаб уйларга нафақат йиллар давомида навбатда турганлар, балки, бозорда кун кўрувчи чайқовчию олибсотарлар, қассоблар, сомсапазлар кўчиб киришди. Орадан икки йил ўтди. Бу орада унинг шогирдлари миниатюра санъатининг нозик сирларини тузуккина ўзлаштириб олишди. Баҳодир баъзан уларга ачиниб «Сизлар тору зах хонада ишлайвериб толиқиб кетдиларинг, яна менинг юзимдан ўтолмай андиша қилиб юрган бўлманглар...» деб ҳам қўярди. Бироқ шогирдлар ундан сабоқ олиш учун мактабнинг ана шу зах хонасини тарк этишни асло исташмасди.

У шаҳар ҳокимиятига эндиликда ҳар икки ойда бир маротаба боришни ўзига режа қилиб олди. Шундай қилса, каттаконлар ундан безмаслигини, ўз ваъдаларини унутиб юбормаслигини кўнглига тугиб қўйганди.

Орадан ўн йил ўтди. Ана шу вақт давомида у Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида, Туркия, Швейцария ва Европанинг бошқа давлатларида ўзининг шахсий кўргазмаларини муваффақиятли намойиш этди.

У сўнгги маротаба уй ва устахона илинжида ҳокимиятдагиларга учрашганида жавоб қисқа ва лўнда бўлди. «Йўқ уй билан йўқ устахонани туғиб берайликми? Борига барака қилиб ишласангиз ана, ишламасдан кетай десангиз мана...» дейишди.

Баҳодир шунда бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйиш нодоннинг иши эканлигини кўнглидан ўтказиб қўйди. Унинг кўз ўнгида қўли келишиб қолган шогирдлари, уларнинг ўзига ишонч билан тикилган нигоҳлари ўтиб турарди.

Қолаверса, ортда Тошкент турибди. У ерда устозларию ҳамкасб дўстлари турарди. «Шундай истеъдод соҳиби бўлатуриб вилоятга бориб нимага эришдинг?..» қабилидаги гапларни унинг кўнгли кўтармасди. У борига барака қилишни, устахона деб аташга тил бормайдиган хоналарга кўчиб ишлашни, қанотидаги шогирдларни камолга етказишни юрагига маҳкам тугиб олди.

Бу аҳдни, бу мақсадни ёзиш, гапириш осон. Аммо ана шу аҳдига туртки бўлган аламли туйғуларни бошдан кечириш нақадар оғир.

Тўрт йил ичида юзлаб асарлар яратган, кўргазмалар ташкил этган, ўнлаб шогирдлар тарбиялаётган Баҳодир Бобоназаровга катта буюртма беришди. Вилоятда қурилаётган улуғвор маънавият ва маърифат марказининг залини миниатюралар билан безаш лозим эди.

У таклифни қабул қилди.

Иш қизғин давом этаётган бир паллада тўсатдан Қримдан йирик кўргазмада иштирок этишга таклифнома келди. Бу кўргазмага дунёнинг энг кўзга



Эътироф

кўринган миниатюра усталари таклиф этилган эди. Бир ой давом этиши мўлжалланган кўргазмада у атиги икки ҳафта иштирок этди, холос. Негаки, Гулистондаги катта ижодий иш унга асло тинчлик бермасди.

У Қримдан қайтаркан, машҳур Ливадия санъат саройи раҳбарлари унинг қарорига ҳайрон бўлишди: «Ахир кўргазма тугагач, асарларингиз сотувга қўйилади. Биргина «Тарози»нгиз қанчалик қимматга баҳоланаётганлигини биласиз-ку! Беш-ўн кун чидасангиз, уйга катта даромад билан қайтасиз...»

Кўнгил кўнмади. Юрак чидамади. Интиқлик суяк-суякка бориб етди. Қанчадан-қанча таклифу кутилаётган даромадга қарамай, асарларини ишончли одамга ташлади-ю, ортга қайтди.

Ушбу мақолани ёзишдан аввал маънавият ва маърифат маркази, деб аталган кошонани кўздан кечирдим. Унда мармар устунлар, нилий гумбаз, ёруғ ва кенг хоналар бир яхлитлик касб этиб, томоша қилган кўзни қувонтиради. Кошона ичига киришингиз билан беихтиёр тўхтаб қоласиз. Ўзингизни гўё мозий оғушига топширгандек бир ҳолатга тушасиз. Деворлардан сизга ҳазрат Алишер Навоий ва соҳибқирон Амир Темур тикилиб турибди. Бирининг нигоҳидан майинлик ва донолик ёғилса, иккинчисининг қарашларидаги қатъият ва ўктамлик сизни лол қолдиради. Улар сафидаги Широқ, Тўмарис суратлари сизни асрлар қаърига етаклайди. Девордаги манзаралар бу ерга қадам босган ёшию касбидан қатъи назар, ҳар бир кишини фахр, соғинч аталмиш туйғулар қучоғига ташлайди.

— Миниатюра — кичик, мўъжаз демакдир, — дейди Баҳодир Бобоназаров биз билан суҳбатда. — Камолиддин Беҳзод бобомиз замонида бу санъатни санойи нафис деб аташган. Унинг маъноси нафис санъат демакдир. Буюк боболонимиз санъатини устозимиз Чингиз Аҳмаров давом эттирди. Санойи нафис кичик бир жойда катта фикр айта олиш ҳунаридир.

Суратларни томоша қиларканмиз, қаҳрамонимизнинг устозлари Хуршид Назаров ва Содиқ Қорабоевлар ҳар бир асарга баҳо бера бошлашди. Уларнинг сўзидан, таърифларидан сездимки, ҳар иккиси ҳам шогирдларининг ижодидан бошлари осмонда.

Хуршид Назаров ҳикоясидан:

— Устозимиз Чингиз ака қайта жонлантирган, қайта жон ато қилган бу санъат бундан ўн беш йил аввал бутунлай тўхтаб қолиши мумкин эди. Яхшиям, истиқлол шарофати билан Юртбошимиз миллий санъатни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида махсус фармон чиқарди. Тошкентдаги Олий Мажлис биноси, Темурийлар тарихи давлат музейи, хорижий сайёҳлар қўнадиган меҳмонхоналар, Америка, Франциядаги Ўзбекистон элчихоналари бизнинг асарларимиз билан янада малоҳат касб этди. Бу гўзал санъат асарларини томоша қилаётган одамларни кўрганда ҳар биримиз юрак-юракдан қувониб, фахрланиб кетамиз. Энди Баҳодир ижоди ҳақида гапирадиган бўлсак, уни мен Ўзбекистондаги энг иқтидорли миниатюра мусаввирларидан бири, дейман. Унинг мана шу кошонадаги асарлари минглаб одамларнинг маънавий дунёсини бойитишга, уларни ўз ўтмишимиз, ота-боболаримиз билан фахрланиб яшашга ундаб туради...

Баҳодирни ишонувчан, кўнгилчан ижодкор, дедик. Аммо энг катта исён, енгиб бўлмас ўжарлик аслида юмшоқ кўнгилли одамлар юрагида пайдо бўлади. Унинг дўстлари менга бир воқеани ҳикоя қилиб беришди. Ўтган йили намойиш этилган кўргазмада Баҳодирнинг асарига бойвачча бир одамнинг ишқи тушиб қолибди. Асар олтин баҳосида баҳоланганда ҳам Баҳодир уни сотишга рози бўлмабди. «Бу одам суратни ўз ўртоқлари олдида мақтаниш учун, бойлигини кўз-кўз қилиш учун харид қилмоқчи. Суратни олиб боради-ю, бир четга ташлаб қўяди. Шунинг учун унинг таклифига кўнмадим», деган экан ўшанда мусаввир.

Баҳодир Бобоназаров ҳақида, унинг ижоди тўғрисида ҳали кўп ёзса бўлади. Бироқ ҳикоямизга шу ерда нуқта қўямиз. Нуқта қўйган билан кўнгилда бир ҳайрат қолади. Бу ҳайратнинг туғилишига мана шу мусаввирнинг бир-биридан сирли, бир-биридан жозибали асарлари сабабдир. Бир ҳайратки, бу ҳайратнинг номини ўзни бағишлашнинг акс-садоси ёки нафаси, дея аташ мумкин...

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 71, 33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Р. ЁРЛАҚАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.10*
1 2 3 4 5 6


Бўлди қизиқ хангомалар

*Одамда инсоф бўлсин экан. Андиша бўлсин экан. Бўлмаса қийин экан. Ўзи хоҳламаган нарсани одамнинг онгига зўрлаб киритиб бўлмас экан. Бўлмаганга бўлишма, деб шунга айтишар экан.*

# Бировнинг ашуласи

Яқинда бир танишимизнинг қизини узатиб бордик. Қуда томон деб бизни ҳурматлаб алоҳида жой — ичкари уйга жойлаштирдилар. Ҳовлидаги шодиёналар микрофон орқали бизга бемалол эшитилиб турарди. Бир пайт ўртакаш «Энди навбат севимли хонандамиз Озодахоним Нурсаидовага», деб эълон қилди. Бу, айниқса, ёшларга ёқиб тушди, чоғи, улар хонандани олқишлар билан кутиб олмоқ мақсадида анчагача қарсак чалиб туришди. Сўнг "Бегим" қўшиғи бошланди. Айтиш керакки, Озоданинг мухлислари кўп. Чунки аксарият қўшиқлари маъноли, мазмундор. Қолаверса, унинг тўй-ҳашамларда ўзини тута билиши, ёқимли хатти-ҳаракатлари кўпчиликка маъқул. Хонанда уч-тўртта қўшиқ айтди, шинавандалар мириқиб рақсга тушишди. Шу пайтда ўртакашнинг овози янгради яна.

— Энди Озодахоним ўзининг супер қўшиғини ижро этади. "Қайнона" номли бу хониш фақат қайнона-келинларга аталган. Куёв бола, сиз қулоғингизга пахта тиқиб олинг. Рақсга тушувчилардан ҳам илтимос, бу сафар фақат тинглаглар, ўйин бўлмасин. Қани, кетдик, Озодахоним!

"Қайнонажон, қайнона" сўзлари билан шўх қўшиқ бошланди. Даврамиздаги 60 ёшлар атрофидаги бир аёл ўтирган ўрнида кўзларини юмиб олганча, завқ-шавқ билан мусиқа оҳангига тебранарди. Ашула тугаши билан у ўрнидан туриб, ҳовлига отланди.

— Хўп айтиб қўйганда "Қайнона"ни шу қақажон. Айниқса, охирида "ҳа" деб қўйиши зўрда! Телевизорда маза қилиб кўраман, радиода маза қилиб эшитаман. Ўзиниям бир кўриб, жамики қайноналар номидан табиклаб келай.



Аёл бир оздан сўнг қайтиб келди. Унинг юзида ранжиш ва норозилик аломатлари зоҳир эди. Ўтираётиб секингина нимадир деганини биров эшитди, биров эшитмади. Бир оздан сўнг у менга ёрилди.

— Ҳовлига чиқиб Озодани қидираман денг, у йўқ. Ашула айтиляпти, овоз уники, ўртадаги хонанда ўзини у ёққа, бу ёққа ташлаб, муқом қиляпти. Озода қани десам, ана дейди уялмай, аппаратини кўрсатиб. Озоданинг лентасини қўйиб қўйишган экан. Ё тавба, бунақасини ҳеч кўрмагандим. Бировнинг таҳоратига намоз ўқиш, дейдилар бунинг отини. Одамлар ҳам ўрганиб кетишган шекилли, ўйин-кулги қилиб ётишибди. Лоақал тўй эгаси бу қандай майнавозчилик деса бўлади-ку. Йўқ, у ҳам жим. Оғзига талқон солиб олган. Туя кўрдингми, йўқ. Уята, уят!

Бу орада ўртақаш тўйга "ташриф буюрган" Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов, Ойбек Ҳамроқулов, Султонпошшо Ўдаева каби қатор хонандаларни "даврага чорлади". Бўлди ажиб хангомалар. Ёш-яланглар эълонга биноан Азиза Ниёзметованинг «Юрагимдан жой бераман галсангиз»ига шох ташлашга шайланиб турган маҳал Илҳом Фармонов «Онажонинг рози қил»ни бошлаб юборса бўладими?! Бундан санъаткорлар хижолат тортар деб ўйловдик. Аксинча...

— Кечирасизлар, — деди улардан бири. — Опахонимиз йўлда сал ушланиб қолибди. Ҳадемай, «етиб» келади. Ҳозиргина «сотка»ларидан телефон қилди. Унгача Илҳомжон билан «дийдорлашиб» турайлик-а.

Бу гапни эшитиб тавба дейсизми, йўқми?

— Мен санъаткор сифатида бировларнинг ашуласини айтиб, пул ишлашни тасаввур ҳам қилолмайман, — дейди бу ҳолатни изоҳлаб республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли хонанда Ҳожиакбар Ҳамидов. — Аввало, ўзини ҳурмат қилган санъаткор бундай хунук ишга ҳеч қачон қўл урмайди. Эсимда, устозим, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаров менга ўзларига жўровоз бўлишимни таклиф этганларида қўрқиб кетганман. Устознинг овозига, маромига етишим ҳазилакам гапми? Йўл бўлсин менга?! Биринчи марта биргаликда ижро этганимиздан кейин ҳам анча вақт ҳадиксираб юрдим: ижром устозимга маъқул бўлдими, йўқми? Шу ёшга кирибманки, Ф.Умаровнинг бирорта қўшиғини якка ўзим куйлашга юрагим бетламайди. Негаки, унинг ижроси бетакрор, фақат ўзига хос.

Қадим бир эртакда ўқигандим. Бир мамлакат подшоси фуқароларининг инсофли, инсофсиз эканлигини синамоқчи бўлиб, уларни уч-тўрт кун ўз ҳолига ташлаб қўйишни ихтиёр айлабди. Жарчи «Шоҳимиздан изн бўлди, шу муддат ичида билганларингни қилинглар, ҳеч қандай жазо берилмайди» деб овоза қилибди. Бошланибди тўполон, бўлибди тартибсизлик. Ким қўшнисининг уйини эгаллаб олган, бошқаси пешона тери билан топилган ҳалол бойликка даъвогар, ота боладан, бола онадан норози. Хуллас, шоҳ фуқаролари ичида бирорта ҳам инсофлиси йўқ экан, инсофи бўлмагандан кейин уларни жазолашим шарт деб, турли қинғирликлар йўлини тўсадиган қонунлар чиқарган экан.

Бизнингча, бировнинг ашуласини айтиб юрган санъаткорлар ҳам инсоф тушунчасидан йироқдирлар. Уларга ҳам зарур чора-тадбирлар қўллаш керакка ўхшайди. Шулардан бири лицензия беришда бировнинг ашуласини айтишни қонуний тарзда тақиқлаш ёки санъаткорларнинг ўзлари билан бу ҳақда шартнома тузишдир. Бунга мутасадди ташкилотлар нима деркин?

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ

МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

ПУЛЛИК ШАРТНОМА АСОСИДА ҚУЙИДАГИ КУРСЛАРГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:



- нопедагогик олий ўқув юртларини битириб, педагогик фаолият билан шуғулланаётганларга педагогик-психологик йўналиш бериш курси;
- чет (инглиз, немис, француз) тилини ўрганиш курси;
- компьютер саводхонлиги курси.

Факультетда таълим юридик шахслар (ишлаб чиқариш корхонаси, идора, корпорация, акциядорлик жамоаси ва ҳакозо) буюртмаси асосида уч томонлама тузилган пуллик шартнома асосида амалга оширилади (тўлов миқдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади).
Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ташкил этилади.

**Нопедагогик олий ўқув юртларини битириб, педагогик фаолият билан шуғулланаётганларга педагогик-психологик йўналиш бериш курсида ўқиш истагини билдирганлар маъмуриятга қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**
- *олий маълумоти тўғрисидаги дипломнинг кўчирмаси ва унинг иловаси;*
- *меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси;*
- *4 дона фотосурат (3х4см).*

**Чет (инглиз, немис, француз) тилини ўрганиш ва компьютер саводхонлиги курсида ўқиш истагини билдирганлар эса қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**
- *ариза;*
- *турар жойидан маълумотнома.*

Тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.
Таълим якунида сертификат берилади.

**Ҳужжатлар 2003 йил 6 январдан бошлаб қабул қилинади.**

Ўқиш гуруҳлар шаклланганидан кейин бошланади.

Манзилимиз: 700070, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб к., 3-уй (мўлжал: Бобур номли боғ), маъмурий бино, 4-қават, 1-хона.
Телефон: (3712) 55-55-74.

6747/98

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816) ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
НАРА ТМ
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
Тўлов шакли турлича.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

2003 йилнинг 24 январидан 24 февралигача:

- бош кийимлар;
- тикувчилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари;
- махсус намунадаги оёқ кийимлари;
- чарм анжомлари;
- поча пўстин;
- кўрпа-ёстиқлар.

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер қуйидаги манзилда ўтказилади: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.

Техник ҳужжатлар 2003 йил 24 январдан 24 февралгача қабул қилинади. Ишчи органнинг дастлабки танловдан ўтган тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2003 йил 24 февраль соат 18.00 гача.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00дан 19.00гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 55-81-73, 55-76-72, 56-72-17.
Факс: 8 10 998 (3712) 56-74-16, 55-81-73.
E-mail: umtvs@uzpak.uz